

МАШАҚҚАТЛИ ИЛМ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ КАСБ

Хўжақулова Мунира Ислон қизи
катта ўқитувчи
Беларусь-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро
амалий техник квалификациялар
институти, Тошкент шаҳри.
m.xujaqulova@sbumiptk.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19457281>

Замонавий психологик-педагогик илмларни ўзида мужассамлаштириб, ўз қобилиятларини таълимда маҳорат билан ақс эттира олган мураббий, устоз, ўқитувчи – тарбиячидир. Бугунги кунда заки ўқитувчи ўқувчи, талаба ва тингловчилар ўртасида содир бўлаётган муаммоли вазият ва низоларни бартараф этишда ўз қобилиятини қўллай олиб, муҳитдаги муаммоли вазиятдан сўнг ҳосил бўлган жараёнларни бошқара олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ҳозирда ўқитувчига қўйилаётган талаблар ортиб бормоқда. Талабларни бажарилишида ўқитувчининг соғлиғи ва унинг руҳий ҳолати ҳар бир таълим муассасасида ҳам ҳисобга олинмасдан вазифа устига вазифалар юклаб борилмоқда. Бундай ҳолатлар табиийки, таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирда таълим муассасаларида ечимлардан бири сифатида уларга психологларнинг бириктирилганлигини мисол қилиб келтириш мумкин ва психологларнинг бўлиши зарурат ҳамдир. Афсуски, психологларнинг ҳаммаси ҳам ўз касбининг моҳир, етук, илмли, одобли, замон талаблари ва маҳаллий муҳит руҳиятига мосланмаган қарашлари билан фаолият олиб бормоқда.

Ана шундай ҳолатлар масъулиятли ва шарафли психолог касбининг обрўсизланишига сабаб бўлгани етмаганидай, психолог инсон қалби ва руҳиятининг озор чекишига сабабчи бўлмоқда. Шу ва шу каби масалалар психологларга оид қонун ва қоидаларни янада такомиллаштириш кераклиги жамиятда зарурият ортган.

Аслида ҳар бир инсон ўзига назар солиши, таҳлил қилиши заруратдир. Имом Ғазолийнинг “Кимёи саодат” асарида инсонда нафс ва ақл мавжудлиги айтилган. “Қуръони Каримда инсонни ўз нафси ҳақида фикр юритишга чақирувчи оятлар бор” [1.41]. Ақлнинг мағлубияти ва нафснинг ғалабаси инсонни гирдоб каби тортиб, шу инсоннинг ўзига ва атрофдагиларга зарари тегади. Шунинг учун ҳам “Психологман!” деган шахс ўз моддий манфаатидан келиб чиқиб, борлиқни моддийликда кўради, ўзини “кўрсатиш” мақсадида худбинликнинг меъёридан чиқади, тадқиқот иши деб кимгадир зарари тегади, раҳбар кўрсатмаси деб сўзсиз бўйсуниб педагогик-психологик фаолиятга зид амалларни ҳам бажаради. Бу санаб ўтилган жараёнларнинг барчасида нафснинг қули бўлган зулмкор ақс этади. Жамиятда шундай психологлар ҳам борки, улар инсонга нима қилса, озор бўлиши мумкинлигини бошқаларга қараганда яхшироқ биледи ва бу илмини зарурат бўлмасида жоҳилликларни қилишга сарфлайди. Бундайлар ҳам масъулиятли ва шарафли касбга путур етказмоқдалар. Уларнинг ақсариятлари таълим муассасаларида фаолиятда бўлиб, ўқитувчи ва ходимларнинг янада заки бўлишларига қўмаклашиши ўрнига зарар келтирмоқдалар.

“(Эй инсонлар!) Ерда ишонувчилар учун аломатлар бордир, ўзларингизда ҳам. Аҳир уларни кўрмайсизми?!” [2.521].

Инсон ўз нафсини жиловлаши, ўзига назар солиши, ўз руҳияти устида ишлаб, руҳиравоншунослик илмига кириб боради. Руҳиятшунослик илми тубсиз уммонга ўхшайди.

У ҳис-туйғулар, руҳий ҳолатлар, ҳаяжонлар билан ишлайди. Психолог илми эришган ютуқларни унинг хизматчилари виждонан тўғри қўлламамас ва фойдаланмас экан мижозлар тугул инсонлар улар ортидан жамият, халқ, давлат азият чекади.

Психолог аслида ким?! Психолог инсоннинг оғир, муаммоли руҳий ҳолатдан имкон қадар тезроқ, оғриқсиз олиб чиқишга сабаб бўлувчи (баъзи истесно ҳолатлардан ташқари), дарди бор инсоннинг асрорини сақловчи, яъни омонатчиси – шифокори бўлиши керак. Инсонга шифо берувчи шифокорликнинг турли ҳиллари мажуд. Жарроҳнинг ишини жарроҳ, тиш шифокорининг ишини тиш шифокори, бола шифокорининг ишини бола шифокори ва шу қабилар бир зумда алмаштириб бир-бирларининг ўринларини муолижа жараёнида ишни тўхтатмасдан давом эттира оладилар. Шу каби тартибни бошқа касбларда ҳам учратиш мумкин. Бироқ, психолог бошқа бир психологнинг иш фаолиятини юқоридаги каби бир зумда ўша сифат ва ҳолатда давом эттириб кета олмайди. Бу эса, психолог касбининг нақадар мураккаблигидан далолат беради.

Психолог ҳузурига келган инсон бутун вужидидаги кечинмаларни узоқ вақт ҳатто йиллар давомида баён қилиб келади. Шунинг учун ҳам бошқа бир психолог аввалги психологнинг ишини бир зумда давом эттириб кета олмайди. Сабаби янги психолог билан ишлашга мажбур бўлган мижоз-инсон яна аввалги кечинмаларини баён қилиш учун ўзида куч, ирода, журъат топиб, хотирасини қайта тиклаб, яна ўша азобли онларни қайта эслашга мажбур бўлади. Натижада мижоз-инсон соғлиғи, вақти, руҳий зўриқишлари, қўшимча моддий ҳаражатлари эвазига бор вужуди билан яна қайта азобланишига мажбур бўлади. Бу эса психолог касбининг нақадар мураккаблиги ва бу илм борган сари такомиллашиб, ривожланиб бораётганлиги, йиллар ўтгани сари ҳам кексайиб ҳам ёшариб бораётган илмдир.

Демак, психологларнинг вазифалари ва айниқса инсон психологияси билан шуғулланаётганларнинг масъулияти салмоқли. Ўз нафсининг қули бўлган психолог бир инсонга берган озори, касбига ҳоинлиги натижасида келтириб чиқарган муаммо жамиятнинг ҳам инқирозига сабаб бўлиши мумкин.

Таълим тизимида фаолият юритаётган психологлард қайси тур, шакл таълим тизимида фаолият олиб бораётганлигини тўлиқ англаган ҳолда ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириши шарт. Ёпиқ тизим, ҳарбий ОТМларда қўлланилган услублар, тестлар, тренингларнинг барчаси оддий таълим тизимида ишлаётганларга қўллаш нодонлиқдир. Умуман олганда жамиятда ва таълимда психологларнинг кўпайганлиги ва фаолиятдалиги бу ижобий ҳолат бироқ, ҳозирда психологларнинг ҳаммаси ҳам ўз касбини яхши ўзлаштирган деб бўлмапти. Натижада жамиятга уларнинг нафлари тегиши ўрнига зарарлари тегиб бормоқда.

Шарф мутафаккирлари ва айниқса араб-мусулмон олами файласуфлари тарбия, руҳият, руҳиятшунослик ва руҳиравоншуносликка оид кўплаб нодир асарлар муаллифи ҳисобланадилар. Шулардан бири Абу Наср Форобийнинг фикрича, “Тарбия тажрибали педагог, ўқитувчи томонидан ташкил этилиши, бошқарилиб турилиши ва маълум мақсадларга йўналтирилиши лозим[3.41], чунки “ҳар бир одам ҳам бахтли ва нарсасизларни ўзича била олмайди. Унга бунинг учун ўқитувчи лозим” [4. 122].

Форобий таълим-тарбия ишига киришиш, уни бошлашдан аввал одамларнинг шахсий ҳислатларини билиш лозимлигини айтади. Унинг фикрича, инсоннинг хоҳиш, ихтиёр, ифода, яхшилиқ ва ёмонлик каби ҳислатларини, нимага қобиляти борлигини аниқламай туриб ишга киришиш кутилган натижани бермайди[3.42].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқитувчининг закилиги ва таълим сифатининг юқори бўлишида ўқитувчи ва моҳир, соф виждонли психолог ҳамкорликда фаолият олиб борса, ёшларимиз янада илми, бахтли, мустақил фикр юрита оладиган, жамиятга фойдаси

тегадиган, муаммоларни осонлик билан бартараф эта оладиган шахс бўлиб шаклланишига замин ҳозирланади.

[1.41] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Иймон. “Ҳилол-нашр”, Т.:2023.

[2.***] Қуръони Карим (маъноларининг таржима ва тафсири). Зурриёт сураси 20-21 оятлар. Шайх Абдулазиз Мансур таржима ва тафсири. “Ўзбекистон”. Т.: 2016.

[3.41] А.Зуннунов, М.Ҳайруллаев, Б.Тўхлиев, Н.Ҳотамов. Педагогика тарихи. “Шарқ”. Т.: 2000.

[4. 122] Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. «Наука». Алма-Ата, 1976.